

Инсоният цивилизацияси ривожланишида шундай буюк қудратга эга бўлган бир нарса борки, усиз жамият бу қадар муваффақиятга эриша олмаган бўлар эди. Бу – инсоннинг энг яқин дўсти бўлган китобдир. Унинг қудрати ёрдамида инсоният олам ва одам ўртасидаги муносабатларни англайди.

Китобнинг бу қудратини ёшлар тўғри англай оляптими? Шу савол кўпчиликни қийнаётгани рост. Айни пайтда баъзи ёшлар мутолаага ажратиши зарур бўлган вақтини тарбияга ҳеч қандай ижобий таъсири бўлмаган сериалларга, кўнгилочар газеталарда берилаётган олди-қочди “ҳикоя”ларга сарфламоқда. Улар миллий ва жаҳон мумтоз адабиётига мансуб асарларнигина эмас, ҳаттоки, умуман ҳар қандай китобни, агар у жиндек ўйга толдирадиган, тафаккурга чорлайдиган бўлса, қўлларига олгиси келмаяпти. Аммо жамият ривожини учун тафаккури теран, ҳар жабҳада фаол фикрловчи авлод керак.

Китобхонликни тарғиб қилиш, мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида турли анжуманлар, муҳокамалар, адиблар билан учрашувлар, китоб байрамлари ўтказилмоқда. Лекин назаримда ёшларни мутолаага қизиқтириш бироз қийин кечяпти. Бунга кўпчилик ахборот технологиялари айбдор, деб ҳисоблайди. Бир томондан бу тўғри. Турли видеоўйинлар, телефондаги сўзлашувлар, ижтимоий тармоқлардаги мулоқот билан банд бўлган ёшларнинг китоб ўқишга вақти бормикан? Бошқа томондан олсак, глобаллашаётган дунёда бутун жамиятни техникадан ажратиб қўйиш мумкин эмас. Фақат бундай воситалардан унумли фойдаланиш зарур.

Хуршид ФАЙЗУЛЛАЕВ,

СамДЧТИ талабаси

Манба: zarnews.uz